

АНДИЖОН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНING А Ж Р И М И

2025 йил май ойининг 28 куни Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси ўз биносида, очик суд мажлисида,

раислик қилувчи судья: Ш.Назиров,

ҳайъат судьялари: М.Туланов ва Ф.Собировдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси С.Қобуловнинг котиблигида, тарафлардан Андижон вилоят прокуратураси бўлим прокурори Ш.Муратов, ҳимоячи А.Кабилонанинг иштирокида, Б.Тожибоев ва бошқаларга оид жиноят ишини Б.Тожибоевнинг тафтиш тартибидаги шикоят асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Олтинқўл туман судининг 2022 йил 10 октябрдаги ҳукмига мувофиқ:

1985 йил 1 февралда Избоскан туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, ишсиз, Избоскан тумани, “Ойбек” МФЙ, Миллий қадрият кўчаси, 71-уйда яшаган, эҳтиёт чораси тариқасида 2022 йил 29 апрелдан қамоқда сақланган Тожибоев Бобирмирзо Абдусатторовичга

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 164-моддаси 4-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 12 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазо умумий тартибли колонияларида ўташ белгиланган.

Мазкур ҳукм билан А.Қосимов, Б.Тожибоев ва О.Мирзаев ҳам судланган бўлиб, шикоят келтирилмагани ёки протест билдирилмагани сабабли, ишнинг уларга оид қисми муҳокама қилинмади.

Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 9 январдаги ажримига кўра, суд ҳукми ўзгартирилиб, А.Қосимов, Б.Тожибоев, Ш.Мадрахимов ва О.Мирзаевнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 164-моддаси 4-қисми “а” бандидан 164-модда 3-қисми “в” бандига қайта квалификация қилиниб, А.Қосимовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “в,и” бандлари билан тайинланган жазо ўзгаришсиз қолдирилиб, ЖКнинг 164-моддаси 3-қисми “в” банди билан 14 йил озодликдан маҳрум қилиш,



ЖКнинг 59-моддасига асосан 17 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш, Б.Тожибоевга ЖКнинг 164-моддаси 3-қисми “в” банди билан 11 йил озодликдан маҳрум қилиш, Ш.Мадрахимовга ЖКнинг 164-моддаси 3-қисми “в” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб 9 йил озодликдан маҳрум қилиш, О.Мирзаевга ЖКнинг 164-моддаси 3-қисми “в” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2023 йил 11 августдаги ажрими билан Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 9 январдаги ажрими билан ўзгартирилган жиноят ишлари бўйича Олтинқўл туман судининг 2022 йил 10 октябрдаги ҳукмнинг А.Қосимовга оид қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 9 августдаги ажрими билан Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 9 январдаги ажрими билан ўзгартирилган жиноят ишлари бўйича Олтинқўл туман судининг 2022 йил 10 октябрдаги ҳукмнинг Ш.Мадрахимовга оид қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланган Б.Тожибоев 2022 йил апрель ойи охирларида ўзига олдиндан таниш бўлган Ш.Мадрахимовнинг Избоскан тумани, “Қашқарлик” МФЙ, Нақшбанд кўчаси, 19-уй, 1-хонадонда яшаган, 1938 йил 14 декабрда туғилган Л.Мухамедова яшаш хонадонидида 50.000 АҚШ доллари миқдорида пул маблағлари ва тилла-тақинчоқларни сақлаб келиши, унинг ўғли ишга кетган вақтида ушбу пул маблағларини уй-жойига ғайриқонуний равишда кириб, Л.Мухамедова кексалиги сабабли қаршилигини енгган ҳолда мол-мулкини эгаллаб олишлари мумкинлиги ҳақидаги жиноий режа тузишиб, бунга А.Қосимовни ҳам жалб қилишиб, босқинчилик содир этиш ҳақида олдиндан тил бириктириб, ўзаро келишувга асосан жиноятни қулай, яъни туман ҳудудида ёмғир ёққан вақтда амалга оширишни режалаштиришган.

Шундан сўнг, судланган А.Қосимов 2022 йил 27 апрель куни Избоскан тумани Пойтуғ шаҳрида ёмғир ёғиб, жиноят содир этишга қулай шароит келганидан фойдаланиб, ўзига олдиндан таниш бўлган судланувчи О.Мирзаевга босқинчилик жиноятини биргалиқда содир этишликни таклиф қилиб, унинг бу борадаги розилигини олиб, соат 07:50 ларда жиноий келишувга асосан Б.Тожибоев фуқаро Л.Мухамедованинг яшаб келаётган уйи олдига келиб, унинг ўғли Э.Сиразетдинов мактабга ишга кетганини Э.Серазетдиновни ҳамкасби А.Ташматовдан аниқлаб, фуқаро Л.Мухамедова уйда ёлғиз қолганлиги тўғрисида А.Қосимовга хабар берганидан сўнг А.Қосимов жиноий шериклари Б.Тожибоев, Ш.Мадрахимов ва О.Мирзаевлар билан тузилган режага асосан жиноий мақсадларини амалга оширишга киришиб, соат 08:10 ларда О.Мирзаевнинг бошқарувидаги “Матиз” русумли, давлат рақам белгиси 60 P 051 КА бўлган автомашинада олди ва орқа давлат



рақам белгиларини ечиб қўйишган ҳолда, айланма йўллар билан фуқаро Л.Мухамедова яшаб келаётган Избоскан тумани, Қашқарлик МФЙ, Нақшбанд кўчасидаги кўп қаватли уйнинг олдига боришиб, шериклари Б.Тожибоев ва О.Мирзаевлар келишув асосида Л.Мухамедованинг яшаш хонадони атрофида кузатиб турган пайтда, А.Қосимов кўл ва бармоқ изларини қолдирмаслик мақсадида кўлларига бирин-кетин тиббий ва матолик кўлқоплар тақиб, ҳодиса жойи яқинидаги АТБ “Ҳалқ банки” Избоскан туман филиали биносининг ташқи қисмида жойлашган видеокузатув камерасига тушиб қолишни олдини олиш учун бошига кепка кийиб, юзини соябон билан тўсиб, тиббий ниқоб таққан ҳолда елкасига спорт сумкасини илиб, фуқаро Л.Мухамедовани яшаш хонадонига, уйнинг эшиги очиқ қолганидан фойдаланиб, ғайриқонуний равишда кириб, хоналарни титиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича 561.093.500 сўмга тенг бўлган 50 минг АҚШ доллари, жуда кўп миқдордаги пул маблағлари ва тилла-тақинчоқларни босқинчилик йўли билан кўлга киритиш мақсадида қидираётган вақтида, фуқаро Л.Мухамедова уйғониб кетиб, уни кўриб, бақириб юборганида, ўзининг онгида шу вақтда туғилган, бошқа шерикларининг жиноий нияти билан қамраб олинмаган мақсадлар билан ҳаракат қилиб, фуқаро Л.Мухамедовани уриб-дўппослаб, Л.Мухамедовага “бош ва кўкрак қафаси ёпиқ шикасти, бош мия очиқ шикасти, бош мия юмшоқ пардаси остига, мия тўқимасига, бош мия қоринчаларига ва бош ва юз юмшоқ тўқимасига қон қуйилиши, бурун суягини синиши, юз соҳасидаги кенг юзали қонталашлар, чап ўрта ўмров чизиги бўйича 4, 5, 6, 7, 8 ва 9-чи қовурғаларининг синиши, синган суяк атроф юмшоқ тўқималарига қон қуйилишлари” каби ҳаёти учун хавfli бўлган оғир тан жароҳатлари етказиб, фуқаро Л.Мухамедовани қасдан ўлдириб, хонадонда бирон-бир моддий қимматликлар топа олмасдан, жиноий шериги О.Мирзаевнинг бошқарувидаги автомашинада ҳодиса жойидан қочиб яширинганликда айбли деб топилган.

Судланган Б.Тожибоев тафтиш тартибидаги шикоятда, қилган ишидан пушаймондалигини, бундан кейин жиноят йўлига кирмаслигини, ўзига тегишли хулоса чиқарганини, оилавий шароитини, оилада ягона боқувчилигини кўрсатиб, ЖКнинг 57-моддасини кўллаб, енгилроқ жазо тайинлашни сўраган.

Жабрланувчининг вакили И.Сиразетдинов шикоят билан танишганини билдириб, суд қарорларини ўзгаришсиз қолдиришни сўраган, судланганлар А.Қосимов, Ш.Мадрахимов ва О.Мирзаевга шикоят нусхаси почта орқали юборилган бўлиб, эътирозномаси судга келиб тушмаган.

Тафтиш инстанцияси суди, иш бўйича вилоят суди судьяси Ш.Назировнинг маърузасини, ҳимоячи А.Кабилонанинг шикоятни қаноатлантириш, прокурор Ш.Муратовнинг суд қарорларини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, тафтиш тартибидаги шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб,



қуйидаги асосларга кўра, суд қарорларини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Судлар иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, судланган Б.Тожибоевнинг эълон қилинган айбловга муносабатини ёритиб, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо бериб, судда текширилган далиллар-судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқланиш учун етарли деб ҳисоблаб, унинг юқорида қайд бир гуруҳ бўлиб, олдиндан жиноий тил бириктириб, Л.Мухамедованинг уйига ғайриқонуний равишда кириб, босқинчилик жиноятини содир қилганликдаги айблари судланувчиларнинг дастлабки терговдаги айбига иқдор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, шу иш бўйича судланган А.Қосимов, Ш.Мадрахимов, О.Мирзаев, жабрланувчининг вакили И.Сиразетдинов, гувоҳлар А.Ташматов, С.Қурбонова, Ш.Ахмедовларнинг дастлабки тергов ва суддаги кўрсатувлари, ходиса жойини кўздан кечириш, кўрсатувларни ходиса жойида текшириш, Л.Мухамедованинг кийимларини кўздан кечириш, видеотасвирларни кўздан кечириш, автомашиналарни кўздан кечириш, телефон аппаратларни кўздан кечириш, юзлаштириш баённомалари, уларга илова қилинган ҳужжатлар, суд-тиббий, суд-тиббий криминалистик, суд-дактолоскопик, суд-биологик, одам ДНКси ва биологик, суд-психиатрик ва психологик комплекс, суд-наркология экспертизалари хулосалари ҳамда жиноят ишида мавжуд далиллар йиғиндиси билан исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келинган.

Апелляция инстанцияси ҳам Б.Тожибоевнинг суд ҳукми адолатсизлиги, қилмишидан пушаймондалиги, қонуний енгиллик бериш ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, унинг ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 164-моддаси 4-қисмининг “а” бандидан шу модда 3-қисми “в” бандига тўғри квалификация қилган ҳамда унга жазо тайинлашда Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорида кўрсатилган тушунтиришларга риоя қилган ҳолда, уни муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб, ожиз аҳволдаги қарияга нисбатан, ғаразли ва бошқа паст ниятларда жиноят содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, жиноят натижасида моддий зарар етказилмаганлигини, Б.Тожибоевни оилали, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари, кекса ота-онаси ва турмуш ўртоғи борлигини, оилада ягона боқувчилигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини инобатга олган ҳолда у айбли деб топилган модда санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш ҳақида адолатли хулосага келган.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 1-қисмида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши;

ЖКнинг 42-моддасида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш, маҳкум, бошқа шахслар



янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши белгиланган.

Шунга кўра тафтиш инстанцияси Б.Тожибоевнинг шикоятдаги ўзига тегишли хулоса чиқаргани, оилавий шароити, оилада ягона боқувчилиги сабабли ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, енгилроқ жазо тайинлаш ҳақидаги вазлари билан келишмади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 521⁴-моддаси 1-қисми 1-бандига мувофиқ, вилоят суди жиноят ишини тафтиш тартибида кўриб чиқиб, унинг натижаларига кўра, биринчи инстанция, апелляция ёки кассация инстанцияси судининг ҳукмини, ажримини ўзгаришсиз қолдириш, тафтиш тартибида берилган шикоятни эса қаноатлантирмасдан қолдириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Тафтиш инстанцияси суди, Б.Тожибоевга нисбатан чиқарилган суд қарорларини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, суд қарорларини ўзгаришсиз, шикоятни эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 515, 521⁴, 521⁶-моддаларига амал қилиб, тафтиш инстанцияси суди,

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Тожибоев Бобирмирзо Абдусатторовичга нисбатан чиқарилган Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 9 январдаги ажрими ва ушбу ажрим билан ўзгартирилган жиноят ишлари бўйича Олтинкўл туман судининг 2022 йил 10 октябрдаги ҳукми ўзгаришсиз, тафтиш тартибидаги шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи

Ш.Назиров

Ҳайъат судьялари

М.Туланов

Ф.Собиров

